

**БОЛАЛАР ЛАТИФАЛАРИ – ТАРЖИМАШУНОСЛИҚДА
ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.5.5.013>

Темирова Феруза Ойбек қизи,

Навоий давлат педагогика институти таянч докторанти

Аннотация: Мазкур мақолада халқ оғзаки ижоди намунаси ҳисобланган латифалар, уларнинг таржимаси билан боғлиқ назарий қарашлар таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан болалар латифаларининг ўзига хос жиҳатлари, таржимасуносликда уларнинг тадқиқот объекти сифати олиншига доир фикр-мулоҳазалар ҳақида сўз юритган

Калит сўзлар: латифа, болалар латифалари, сатира, юмор, ҳажвий матн.

**ДЕТСКИЕ АНЕКДОТЫ - КАК ОБЪЕКТ ИССЛЕДОВАНИЯ В
ПЕРЕВОДЧЕСТВЕ**

Темирова Феруза Ойбек қизи

Базовый докторант Навоийского государственного педагогического
института

Аннотация: В статье анализируются анекдоты, являющиеся образцом фольклора, и теоретические взгляды на их перевод. Автор рассказал об особенностях детских анекдотов, своих взглядах на качество объекта изучения в переводе.

Ключевые слова: анекдот, детский анекдот, сатира, юмор, комический текст.

**CHILDREN'S JOKES - AS AN OBJECT OF RESEARCH IN
TRANSLATION**

Temirova Feruza Oybek qizi,

Doctoral student of the Navoi State Pedagogical Institute

Abstract: The article analyzes anecdotes, which are examples of folklore, and theoretical views on their translation. The author spoke about the features of children's jokes, his views on the quality of the object of study in translation studies.

Key words: anecdote, children's joke, satire, humor, comic text

Бугунги кунда жаҳон таржимашунослигида ўзбек халқ ижоди, миллий маданиятимиз, урф-одат ва анъаналаримизни ўрганишга кизиқиш ортиб бормокда. Ўзбек халқ ижодида ўзига хос ўринга эга бўлган жанрлардан бири бу латифалар ҳисобланади. Халқ орасида кичик ҳажмли, кулгили воқеаларга асосланган ҳикояларни “афанди”, илмий китобларда эса “латифа” деб юритилиши кенг учрайди.

“Латифа” арабча сўздан олинган бўлиб, гўзал, ёқимли сўзидан, кўплиги латойиф – латифалар, гўзал сўз ва ҳикоялар маъноларини англайтиб, халқнинг нозик фаҳмлилик билан айтилган кулгили кичик ҳикояси демакдир. Баъзи ҳолларда уни нодира, зарифа ва ажиба шаклида юритиш ҳоллари ҳам мавжуд [9, –Б.89.].

Шунингдек, “Ўзбек тилининг изоғли луғати”да латифага қуйидагича таъриф берилган: “Кулгили воқеа-ҳодиса ҳақидаги кичик ҳикоя. “Афанди латифалари.

Афсонавий халқ қаҳрамони Хўжа Насриддин афандининг саргузаштлари билан боғлаб, халқ томонидан яратилган қисқа-қисқа кулгили лавҳалар, ҳикоялар”[8, –Б.488.]. Демак, латифанинг бошқа жанрлардан фарқли ва ўзига хос жиҳати унинг кулгили, қисқа ҳамда кичик ҳажмда бўлишидир.

Латифаларнинг яна бир жиҳати ундаги воқеа-ҳодисаларда нафақат кулгу ва мутойиба асосида балки танқидий руҳда ҳам сўз юритилишидир. Латифалардаги қаҳрамонлар жонли ва таъсирчан сўзлайдиган, ҳозиржавоб, ҳақиқат ва адолатни ҳимоя қилувчи, кесатик, пичинг тўла ҳажвий эпизодларда гавдаланади.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида мазкур жанрнинг пайдо бўлиш тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Хусусан, ёзма тарзда бизгача етиб келган бадий адабиёт намуналарида илк маротаба латифа жанри Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Саъдийнинг Гулистон асарларида учрайди [7, Б.236.].

Таржимашунослида латифаларнинг тадқиқот объекти сифатида ўрганиш билан бир қатор хорижий тадқиқотчилар шуғулланган. Хусусан, ўзбек латифаларининг чет элда таржима қилиниши бўйича дастлабки ташаббуслар XX аср 60-йилларидаёқ бошланган эди. Бу борадаги энг катта ишлардан бири Идрис Шоҳ томонидан 1966 йилда биринчи марта ўзбек латифалари инглиз тилига таржима қилинди. Унинг “The Exploits of the Incomparable Mulla Nasrudin” (“Мулла Насриддиннинг тенгсиз жасоратлари”) номли китоби, 1966, 1974, 1988 йилларда нашр қилинган [1, Р.110]. Мазкур китобдан Насриддин Афанди билан боғлиқ бўлган 100 та латифа ўрин олган.

Ўзбек латифаларининг инглиз тилига таржимаси бўйича юртимиз олимлари томонидан ҳам кейинги йилларда кўпгина тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, Ҳ.Юсупова, И.Рустамов, У.Йўлдошевлар латифалар таржимасининг лингвостилистик, лингвокультурологик хусусиятлари, латифалар матнининг лингвистик ва миллий-маданий хусусиятлари бўйича бир қатор илмий хулосаларга келишган.

Ҳ.Юсупованинг тадқиқотида латифаларнинг инглиз тилидаги таржималарида жанр хусусиятлари ва миллий юмористик руҳни қайта яратиш масалалари атрофлича ўрганилган. Олима ўзбек латифаларининг инглиз тилига таржима қилинишида миллий хусусиятлар сақланиб қолишига эътибор қаратади ва Идрис Шоҳнинг китобидан таржимадаги камчиликларни мисол сифатида келтиради. “Латифаларнинг баъзи таржималарида воқеликнинг жўнгина маънода баён этилиши аслиятдаги кулги ўтининг сўнишига олиб келган. Бу эса таржимоннинг ўзбек тилига хос қочиримдорлик имкониятларидан тўла фойдалана олмаганлиги натижасида юзага келган”[6].

Ҳажвий матнларнинг таржима масалалари бўйича тадқиқот олиб борган яна бир олим У.Йўлдошев латифаларнинг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятларини очиб берган. Олим томонидан таржимада турли стилистик воситалардан тўғри фойдаланиш стратегиялари ҳақида фикр юритилади: “Ўзбек халқи латифаларини таржима қилишда қўлланиладиган стратегиялар бошқаларидан шуниси билан аҳамиятлики, латифалар одатда ҳир бир халқнинг миллий маданиятини акс эттиради ва латифаларда қўлланган стилистик воситаларни миллий маданийликни ҳисобга олган ҳолда таржима қилиш таржимоннинг кўзланган мақсадига етишида муҳим омил ҳисобланади”[2].

Ўзбекистонлик олим И.Рустамовнинг илмий ишида латифа, ҳазил, кулги, киноя, истехзо, таъна каби прагматик мақсадга эга нутқий фаолият кўринишларининг ўзбек ва инглиз миллати вакиллари нутқида ифодаланишининг айрим жиҳатлари таҳлил қилинган. “Латифани кичик жанрга оид матннинг

ўзига хос тури сифатида ажратиб кўрсатишда унинг таркибий ва композицион хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади”[4].

Кўриниб турибдики, латифа жанри, унинг турли тилларга таржимаси масалалари юзасидан юртимизда салмоқли ишлар амалга оширилган. Мазкур тадқиқотларда латифалар таржимашунсоликнинг ўрганиш объекти сифатида ўрганилган. Шу ўринда, хориж таржимашунослигида болалар латифаларининг ҳам кенг тадқиқ этилаётганини таъкидлаш лозим. Хусусан, Россия Федерациясида амалга оширилган тадқиқотларда болалар латифаларига алоҳида таржима йўналиши сифатида эътибор қаратилган. Бу борада А.Проскуринанинг 2004 йилдаги диссертациясини мисол қилиб олишимиз мумкин. Олима томонидан инглиз тилидаги ҳажвий матнлар дискурсида болалар ҳажвий матнлари таҳлил қилинган [3, С.20]. Яна бир россиялик тадқиқотчи Ф.С. Васильевнанинг 2017 йилдаги илмий ишида испан ва баск лингвوماданиятида болалар латифаларининг аҳамиятини таҳлил қилган [5, С.4.].

Бугунги кунда болалар латифаларини таржимашунослик объекти сифатида тадқиқ этиш, уларни мазмун жиҳатидан таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Болалар латифалари болалар адабиётининг муҳим йўнилиши бўлиб, у ўзининг ҳаракатга бойлиги билан ажралиб туради. Бундан болалар адабиётинида сюжетга бўлган талаб ҳам келиб чиқади. У воқеаларнинг тезкор, қизиқарли, фантазияга, юморга бой равишда ишлаб чиқишини талаб этади. Демак, болалар латифаларининг таржимашуносликда тадқиқот объекти сифатида олинишига қуйидаги омиллар сабаб бўлади. Биринчидан, латифалар орқали болаларда одоб-ахлоқ, эзгулик, тўғрисиўзлилик, яхшилик ғоялари сингдирилади. Иккинчидан, болаларга хорижий тилларни ўргатишда ҳажвий матнлар ва уларни таржимаси билан шуғулланиш муҳим ўринга эга.

Хукуматимиз томонидан хорижий тилларни ўргатишни оммалаштиришни янги босқичга олиб чиқиш ва соҳани ривожлантириш ҳамда улғайиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида қатор чоратадбирлар белгиланмоқда. Ўзбекистон ёшлари, мактаб ўқувчилари ўртасида инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Мазкур омиллар инглиз тилига оид манба ва адабиётлар, матн ва материалларни таржима қилишда алоҳида ёндашув зарурлигини тақозо этмоқда.

Инглиз тилини ўрганишда ўқиш, матнларни таржима қилиш муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Бу ўринда, болаларга оид ҳажвий матнлар, латифалар уларни тил ўрганишга бўлган қизиқишлари янада ошишига хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида 18 ёшга тўлмаган шахслар – бола сифатида қайд этилиши белгиланган [10]. Демак, инглиз тилидаги болалар ҳажвий матнлари, латифаларни ўрганишда 18 ёш чегара сифатида олиниши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, болалар латифаларининг инглиз, ўзбек ва бошқа тиллардаги таржималарини амалга ошириш, уларни таржимашунослик назариялари ва услублари орқали таҳлил қилиш лингвистикада муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Инглиз тили мактаб дарсликларидagi ҳажвий матнларни, ўзбек болалар адабиётинидаги кулгили ҳикояларни лингвистик, лингвокультурологик жиҳатдан қиёсий ўрганиш келгусида таржимашунсолик фани ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Idries Shah. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasrudin. –London: ISF

PUBLISHING, 1988. 111 pages.

2. Йўлдошев У. Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокултурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида). Филол.фанлари бўйича PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Тошкент, 2017;

3. Проскурина, Анна Александровна. Прецедентные тексты в англоязычном юмористическом дискурсе. Автореф. диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. –Самара, 2004. -20 стр.

4. Рустамов И. Кичик жанрлар матнларининг прагматик-когнитив ва миллий-маданий моҳияти (ўзбек ва инглиз латифалари мисолида). Филол.фанлари бўйича PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Тошкент, 2019.

5. Фернандес Санчес Юлпя Васильевна. Юмористический дискурс в испанской и баскской лингвокультурах: сопоставительный анализ. Автореф. диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Москва, 2017. -23 стр.

6. Юсупова Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида). Филол.фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Тошкент, 2011;

7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 5. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. -Б.236.

8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Иккинчи жилд. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.488.

9. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1970. –Б.89.

10. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // <https://www.lex.uz/acts/1297315>